


УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЖИНОЙ ХУКУКИЙ ТАВСИФИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7534794>

Тураев Эшон Аминджонович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси тезкор-
кидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси.



ELSEVIER



Received: 12-01-2023

Accepted: 13-01-2023

Published: 22-01-2023

Abstract: Маколада уюшган жиноятчиликнинг тушунчаси, унинг хукукий тавсифи, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар жараёнига таҳдида, унга карши курашиб бўйича кабул килинган халқаро хукукӣ хужжатлар ва уларда белгиланган нормаларнинг миллий конунчиликда акс эттирилиши билан боғлиқ маълумотлар келтириб ўтилган.

Keywords: Уюшган жиноятчилик, уюшган гурӯҳ, жиной уюшма, глобал таҳдид, халқаро конун нормалари, миллий конунчилик тизими, трансчегаравий хусусият.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

ПОНЯТИЕ ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТИ И ЕЕ УГОЛОВНО- ПРАВОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА



Received: 12-01-2023

Accepted: 13-01-2023

Published: 22-01-2023

Abstract: В статье представлена информация о понятии организованной преступности, ее правовой характеристики, угрозе процессу социальных отношений в обществе, международно-правовых документах, принятых для борьбы с ней, и отражении установленных в них норм в национальном законодательстве..

Keywords: Организованная преступность, организованная группа, преступная организация, глобальная угроза, нормы международного права, национальная правовая система, трансграничный характер.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

THE CONCEPT OF ORGANIZED CRIME AND ITS CRIMINAL LAW CHARACTERISTICS



Received: 12-01-2023

Accepted: 13-01-2023

Published: 22-01-2023

Abstract: The article provides information about the concept of organized crime, its legal characteristics, the threat to the process of social relations in society, international legal documents adopted to combat it, and the reflection of the norms established in them in national legislation.

Keywords: Organized crime, organized group, criminal organization, global threat, international law, national legal system, cross-border nature.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Бугунги кунда дунёда тараққиёт ва ҳавфсизликка раҳна солаётган ҳавф-хатар ва таҳдидлар тобора ортиб, глобал даражадаги муаммоларнинг қамрови кун сайин кенгайиб кетаётганлиги жамият аъзоларини бирдай ташвишга

солмоқда. Айниқса сұнгти йилларда дунёning турли мінтақаларида юзага келаёттан нотинч вазият масалага жиғдій ёндашувни талаб этмоқда.

Давлат бошқарувини издан чиқаришга, унинг тараққиётіга түсік бұладиган, іктисодий таназзулға юз тутишига сабаб бұладиган ҳамда халқнинг турмуш даражаси оғирлашишига олиб келадиган энг катта муаммолардан бири уюшган жиноятчиликдір.

Іктисодий жиҳатдан барқарор ривожланишни, халқининг муносиб турмуш кечириши учун кенг имкониятлар берішни ҳамда шу орқали эркин ва фаровон жамият қуришни мақсад қылған ҳар бир давлат уюшган жиноятчиликнинг ҳар қандай құринишларига муросасиз курашиш орқали үзининг юксак мақсадларига еришиши мүмкінлегини дунёning ривожланған давлатлари томонидан бошқарув тизимида босиб үтилған йұллар орқали кузатиши мүмкін.

Шу боис, Республикаизда сұнги йилларда амалға оширилаёттан исолохтларнинг бош мақсади, инсон қадр-қимматини ошириш, ахолининг муносиб турмуш шароитини таъминлаш, давлатнинг іктисодий барқарорлигига еришиши қаратилар экан, бу борада дунёning етакчи давлатлари билан ұзаро тенг ҳуқуқли ва манфаатлы ҳамкорликни йұлға құйиши орқали құйилған мақсадларга еришиш мүмкінлеги давлатимиз раҳбари томонидан күп маротаба әтироф этилған. Жумладан, 2022 йил 16 сентябрь куни бұлиб үтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Самарқандда бұлиб үтган ғығилишида Ш.Мирзиёев: “Дунёда ишонч ва ұзаро бир-бирини тушуниш тақчилігі сезилаёттан, қарама-қаршиликлар ва можаролар кузатилаёттан бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан күплаб таҳдидлар кучайды.

Ұзаро ишонч, адолат ва ҳамжиҳатликка талаб глобал миқёсда тобора ортиб бормоқда. Шу муносабат билан очиқ ва конструктив мұлоқотни давом эттириш ҳар қачонгидан ҳам күпроқ талаб этилмоқда”[\[1\]](#) - деган фикрлари орқали яна бир бор халқаро ҳамкорликнинг аҳамиятини әтироф этди.

Маълумки, давлатлар үртасидаги ұзаро ҳамкорлик, айниқса іктисодий соҳадаги ҳамкорлик ұзаро манфатлар тұқнашуви орқали юзага келар экан, бунда албатта, томонлар бир-бирининг ички имкониятларини, барқарор ижтимоий мұхитни үрганиш билан бирга ривожланишга түсік бұлувчи омиллар, жумладан жиноятчиликнинг ҳолати билан қизиқиши, таҳлил қилиши табиий ҳолдир. Шу боис, халқаро даражада уюшган жиноятчиликнинг ҳолати ва бу борада давлатлардаги вазият таҳлилчилар томонидан доимий кузатувда бўлади. Ана шундай кузатувни амалға оширувчи, бosh штаб-квартираси Женевада жойлашған, халқаро мустақил “Global Initiative against transnational organized crime”[\[2\]](#) ташкилотининг 2021

йилги ҳисоботида, дунё миқёсида уюшган жиноятчиликнинг ҳолати қўйидаги мезонлар асосида баҳоланган, булар:

- давлатда жиноятчилик кўлами ва унинг бошқарув жараёнига таъсири;
- жиноятчилик турларининг (мафия, жиноий тармоқлар, давлат идораларига сиздирилган жиноий тузилмалар ва хорижий жиноий тузилмалар) таркиби ва таъсири;
- мамлакатларнинг уюшган жиноятчиликка қаршилиги.

Ушбу мезонлар бўйича эълон қилинган ташкилот рейтингида Ўзбекистон 4,97 балл тўплаб, 193 давлат орасида 90-ўринни эгаллади.

Таққослаш учун, Тожикистон – 62 (5,62), Қирғизистон – 72 (5,33), Туркманистан – 113 (4,62) ва Қозогистон – 133 (4,27) ўринларда кўрсатилган.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида, мамлакатимизда айнан уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва шу мақсадда давлат бошқарув органлари тизимида маҳсус органлар ҳамда хизмат соҳалари тузишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ички ишлар вазирлиги ва прокуратура органлари тизимида уюшган жиноятчилик ҳамда коррупцияга қарши курашда фаолият кўрсатувчи бўлим ва бўлинмалар ташкил этилган. Бу органларга нафақат жамоат тартибини сақлаш, балки жамият хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам Давлат хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда чора-тадбирларни белгилаш, қарши курашиш фаолиятининг хуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича бир қатор ваколатлар берилган.

Уюшган жиноятчиликка қарши кураш фаолиятининг хуқуқий асослари ўзининг моҳияти ва мазмунига кўра хуқуқий нормалар мазмунини акс эттиради. Уюшган жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида хуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг алоҳида тури сифатида, мазкур жиноятчилик субъектлари ва бошқа иштирокчилари ҳамда унга қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи тузилмаларнинг ҳамда ушбу фаолиятга жалб этилган бошқа жисмоний ва юридик шахслар ўртасида юзага келадиган маҳсус хуқуқий ва ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Таъкидлаш жоизки, уюшган жиноятчиликка қарши кураш фаолиятининг хуқуқий асослари мазмуни кўпгина хуқуқий манбаларда акс эттирилган. Шу боис дастлаб, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича унинг тушунчаси ва қарши курашишнинг хуқуқий асоси белгилаб берилган халқаро хуқуқий нормаларга мурожаат этадиган бўлсак қўйидагиларни кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 30 августдаги “Бирлашган миллатлар ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида”ги

536-II-сон қарори [3] билан халқаро конвенция Ўзбекистонда ратификация қилинган ва ушбу Конвенция 2004 йил 8 ноябрь кунидан қонуний кучга кирган.

БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси”да [4] “уюшган жиноятчилик” учун алоҳида таъриф мавжуд эмас. Аммо мазкур Конвенциянинг 2-моддаси уюшган жиноий гурухнинг таърифини ўз ичига олади ва унинг белгиларини очиб беради: а) “уюшган жиноий гурух” - маълум вақт давомида мавжуд бўлган ва бир ёки бир нечта оғир жиноятларни ёки ушбу Конвенцияга мувофиқ деб топилган ҳуқуқбузарликларни содир этиш, бевосита ёки билвосита, молиявий ёки бошқа моддий манфаат олиш мақсадида биргаликда ҳаракат киладиган уч ёки ундан ортиқ шахслардан иборат тузилган гурух; б) “жиддий жиноят” - энг камида тўрт йил муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш ёки ундан ҳам оғирроқ жазо назарда тутилган жиноят; с) “тузилма тарзида яратилган гурух” деганда жиноятни бевосита содир этиш учун тасодифий тузилмаган ва унинг аъзоларининг роли расмий равишда белгиланмаган, аъзолик узлуксиз ёки ривожланган тузилма ташкил этилган гурух тушунилади. Ушбу таъриф “трансмиллий уюшган жиноятчилик” тушунчасига таъриф бериш учун асос бўлиб, унинг белгиларини санаб ўтиш орқали Конвенциянинг 3-моддасида келтирилган ва жиноят трансмиллий хусусиятга эга эканлигини кўрсатади, агар: а) у битта давлатдан ортиқ бошқа давлатларда содир этилган бўлса; б) у бир давлатда содир этилган бўлса, лекин уни тайёрлаш, режалаштириш, бошқариш ёки назорат қилишнинг муҳим қисми бошқа давлатда амалга оширилган бўлса; в) бир давлатда, лекин бир неча давлатда жиноий фаолиятни амалга оширувчи уюшган жиноий гурухлар иштирокида содир этилган бўлса; ёки д) у бир давлатда содир этилган бўлса-ю, лекин унинг муҳим оқибатлари бошқа давлатда содир этилса, каби тушунчаларни акс эттиради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, уюшган жиноятчилик давлатнинг бошқарув тизимига ўзининг сезиларли даражадаги таъсири билан хам хавфли кўринишга эга, шу сабабли бундай жиноятларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгиловчи қонунчилик нормалари давлатнинг бошқарув тизими ва хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексида “жиноятда иштирокчилик” тушунчаси аник ифодаланди. Хусусан, Жиноят кодексининг 29-моддаси 4-бандида таъкидланганидек, “икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориши учун олдиндан бир гурухга бирлашиши уюшган гурух деб топилади” [5].

Жиноят кодексининг 242-моддасининг 1-бандига кўра, жиноий уюшмалар ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият жиноий фаолият деб эътироф этилган. Ушбу модданинг 2-бандида эса уюшган қуроли гурух тузиш ва унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш ҳам жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши қаратилган ўта оғир жинояtlар тоифасига киритилган.

Баён этилганлар уюшган жиноятчиликка берилган жиноий-хуқуқий тавсифдир. Аммо ушбу жиноятчиликнинг янада аниқ ифодасини бериш мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиқсан ҳолда, даставвал “уюшганлик” тушунчасини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, хуқуқий лугат ва атамаларнинг ўзбек тилида мазмунан тўғри ифодаланиши илмий тадқиқот ишлари ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти учун ғоятда муҳимлигини эътиборга олиш лозим.

Бир қатор лугатлар тўпламининг таҳлилидан маълум бўлдики, “уюшиш”, “уюшганлик”, “ташкилот”, “ташкил этиш” сўzlари ўзига хос равища бир маънони, яъни кишиларни маълум бир тартиб ва қоидалар асосида қўйилган мақсадга етишиш учун ўзаро ҳамкорликда фаолият қўрсатишларини англатади.

Бу албатта умумий бўлиб, агар ушбу умумийликдан айнан шу жиноятчилик билан боғланганлик ҳолатини кўриб чиқадиган бўлсак, унда “уюшган жиноятчилик” жиноий мақсадга эришиш учун жиноий фаолият қўрсатувчи шахслар гуруҳидир. Яъни, бу каби гуруҳ асосан жиноятчилардан таркиб топган бўлади.

Профессор В.Д. Малковнинг берган тарифига кўра, “уюшган жиноятчилик” атамаси уюшган жиноятларнинг ажralmas мажмуини анлатиши керак, чунки алоҳида содир этилган жиноятлар, гурухли ва уюшган бўлиши мумкин. У умумий, хусусий ва бирлик орасида оралиқ ўринни эгаллайди, умумий (жиноятчилик) ва бирлик (жиноятлар) хусусиятларини акс эттиради [6].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида “Апелляция ва кассация инстанцияси судларининг эътибори ўта хавфли рецидивистлар, уюшган гуруҳ ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига нисбатан жазони асоссиз равища камайтириш ёки бошқа енгилроқ жазо билан алмаштириш ҳолларига йўл қўйилмаслиги лозимлигига қаратилсин”[7] деб таъриф берилган.

Уюшган жиноятчиликнинг энг муҳим белгиларига қўйидагиларни киритиш мумкин: а) шахслар ва гурухлар орасида вазифаларнинг қатъий кетма-кетлиги ва мувофиқлашувидан иборат функционал-иерархик тизимга эга турли даражадаги уюшган жиноий ташкилот(тузилма)нинг мавжудлиги; б) жиноий фаолият турмуш тарзи ва ҳаёт кечириш воситасига айланган профессионал жиноятчиларнинг борлиги; д) барқарор, режалаштирилган, яширин жиноий фаолият; е) жиноий фаолиятни амалга ошириш, хусусий хавфсизлик ва ижтимоий назоратни бўшашибтириш тизимларининг мавжудлиги; ф) жиноий фаолият, ошкора бизнес, жамиятни коррупциялашибтириш, маҳкум этилганларни қўллаб-қувватлаш учун катта маблағ фондининг мавжудлиги; г) жиноий фаолият ва жиноий бирлашмаларнинг таъсир доирасини кенгайтиришга мойиллик ва бошқалар.

Уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий меъзонларида кўриб ўтилганидек, унинг юзага келиши ва фаолият жараёни унга берилган таърифларда кўринганидек, кўплаб ташки таъсирларга боғлиқ экан. Шу жиҳатдан олиб қаралганида, уюшган жиноятчилик ижтимоий барқарор ҳодиса сифатида, бошқа турдаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактика чора-тадбирлар каби ҳаракатларга бўйсунмаслиги, жиноий уюшма аъзолари имкониятларининг анча кенглиги, давлат бошқарув жараёнида иштирок этувчи мансабдорлар билан узвий алокадорлиги, жамоа иштирокчилари орасида кучли интизомнинг мавжудлиги, жиноий муҳитдан четга чиқишига уриниш шафқатсизлик билан жазоланиши ва бошқа омилларни ўзида жамлаганлиги билан хам хавфли кўринишга эгалиги маълум бўлади.

Бугунги кунда Республикаизда тараққиёт ўзининг янги босқичини бошдан кечираётган бир вақтда, ҳар қандай кўринишдаги жиноятлар, айниқса уюшган жиноятчиликка қарши курашиш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, давлат бошқарувида иқтисодий соҳанинг ролини ошириш ва айнан барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш орқали тараққиётга эришиш мақсад қилинган ва бунинг учун соҳага кенг имкониятлар берилаётган бир паллада турли жиноий уюшмалар ташкил этилиши, ўзаро тил бириктириш орқали яратилаётган имкониятлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга бўладиган уринишларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш жуда муҳим ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу йўналишда жиноятчиликка қарши курашиш соҳа вакилари олдига бир қатор муҳим вазифалар юкланади. Айниқса, бу борада ИИОларининг ўрни ва ролини янада ошириш, улар олдига қўйилган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш муҳимдир. Таъкидлаш лозимки, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги, содир

этилиши мумкин бўлган жиноятларни олдиндан аниқлаш, ўрганиш ва таҳлил қилиш ва шу орқали содир этилишини ўз вақтида тўхтатиш ва бартараф этишга боғлик. Масаланинг айнан шу жиҳатига тўхталар экан, тадқиқотчи А.А. Таштемиров қуйидаги фикрларни билдиради, яъни: “Ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишда тезкор суриштирув ишларини самарали ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу турдаги жиноятлар ўзига хослиги билан бошқа жиноятлардан кескин ажралиб туради. Шунинг учун бу ерда жиноятчининг шахсига аниқлик киритиш жиноятнинг содир этилишда асосий ўринга эга. Бунинг учун эса тезкор қидирав тадбирларини ўз вақтида ва самарали қўллаш талаб этилади”^[8]. Ушбу фикрдан кўриниб турибдики, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги кўп жиҳатдан ИИОлари ходимлари томонидан амалга ошириладиган тезкор киридув тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши билан ҳам боғлик экан. Ушбу фикрларнинг тасдигини Г.А.Мирсалихованинг “...тезкор тадбирлар жараёнида ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини, илфор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”^[9] лозимлиги бўйича билдирган таклифида ҳам кўриш мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб, хулоса сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Жамият ривожланишида, иқтисодий барқарорликка эришишда асосий тўсиқлардан бири сифатида таъкидлаб ўтилган уюшган турдаги жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали механизмини яратиш ва бундай турдаги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш учун биринчидан, фуқароларнинг қонунларга итоаткорлик рухини ошириш; иккинчидан, давлат томонидан ваколат берилган мансабдор шахсларнинг уюшган жиноий гурух билан алоқадорлиги кузатилган ҳолларда, бундай мансабдор шахсларга нисбатан жазо чорасини кескин ошириш; учинчидан, жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмини яратиш; тўртинчидан, ушбу йўналишда самарали ва фидоий хизмат олиб борувчи ходимларни ҳар томонлама мустаҳкам ҳимоялаш тизимини яратиш, бешинчидан, давлатнинг бюджет тақсимоти билан боғлик масалаларида шаффофликни таъминлаш ва бошқалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/5542> (16.09.2022 йил).

2. "Global Initiative against transnational organized crime" халқаро ташкилотининг 2021 йил ҳисоботи <https://globalinitiative.net/analysis/ocindex-2021/>.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Бирлашган миллатлар ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида" Қарори. 30.08.2003 йил. 536-II-сон. <https://lex.uz/docs/1328107>

4. Конвенция. "Организации объединенных наций против транснациональной организованной преступности" Нью-Йорк, 15 ноября 2000 года. <https://lex.uz/docs/1304112>

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/acts/111453>

6. Малков В.Д., Организация деятельности ОВД по предупреждению преступлений: Учебник / М.: Академия управления МВД России, 2000. С. 123.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида" ги қарори. 1-сон. 2006 йил 3 февраль. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2022 йил 14 майдаги 9-сонли қарори таҳрири.

8. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари // O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 14. – С. 320-327.

9. Мирсалихова Г. А. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Илмий мақола // Eurasian journal of law, finance and applied sciences <https://doi.org/10.5281/zenodo.7262974>. – Т. 7262974.